
РИШТОН КУЛОЛЧИЛИГИ БУЮК БРИТАНИЯНИ ЗАБТ ЭТАДИ

Риштон шаҳри ва Буюк Британия ўртасида кулолчилик ҳамда савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласида онлайн видеоконференция бўлиб ўтди.

Онлайн мулоқотда, Буюк Британиянинг “Craft Potters Association” уюшмаси, “Ceramic Review magazine” газетаси ва “Contemporary Ceramics gallery” галерияси директори Toby Brundin ҳамда “Culture Heritage” маданият маркази директори Ива Скалла хоним ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ходимлари Равшунбек Дусчанов ва Шохруз Самадовлар иштирок этишди,

Риштон туманидан, туман ҳокими ўринбосари Жўрабоев Абдуқаҳҳор Ҳунармандлар уюшмаси туман бўлими бошлиғи Юнусов Бунёд, Уста кулол Алишер Назиров, Мухаммаддиёр Назиров, тадбиркор Шерзод Каримов ҳамда туман Инвестиция комплекси ходимлари иштирок этишди.

Туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Жўрабоев Буюк Британиялик иштирокчиларга Риштон тумани ҳақида Уста кулол Алишер Назиров Риштон кулолчилик буюмлари тўғрисида маълумотлар бериб ўтди. Шундан сўнг, “Contemporary Ceramics gallery” галерияси директори Toby Brundin Буюк Британияда Риштон кулолчилик савдо уйини очиш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ходимлари Равшанбек Дусчанов ва Шохруз Самадовлар, Риштон тумани ва Буюк Британия ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳар доим тайёр эканлигини билдиришди.

Аброр Деҳқонов,

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари,

**Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, халқаро журналистика факультети
1-курс талабаси.**

2021-06-15 15:59:33